

Пудрат шартномаси № 1

«

Коровулбозор ш.

2022 йил 1 "июль

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Коровулбозор "Техник таъминлаш ва Бутлаш" ШК номидан Низом асосида иш кўрувчи директор Исамов А.А. бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган «MJH GROUP» МСНJ номидан Низом асосида иш кўрувчи рахбар Мухидинов Х.Ю. иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Шартнома мавзуси

1. Пудратчи мазкур шартнома шартига асосан "4АЗМП-1250/6000УХЛ4 КВТ 1600 3000 об/мин маркали электродвигател"ни етазиб бериш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига уни қабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Шартнома бўйича ишлар қиймати

2. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажариладиган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг 2022 йил "01" июлдаги Харид комиссиясининг ЭЦП орқали имзоланган № 111404 сонли лот бўйича конкурсе натижалари баённомаси қарор билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган холда жорий нархларда 470 000 000 (турт юз етмиш миллион) сўмни ташкил этади.

III. Пудратчининг мажбуриятлари

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

4. Пудратчи мазкур шартнома бўйича етказиб бериш ишларини бажарилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

5. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- етказиб бериш ишлари бажарилиши устидан доимий техник назорат ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан ишларни қабул қилиб олишина таъминлаш;
-пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва карор қабул килиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. Етказиб бериш муддати

6. Танлов натижаси бўйича аниқланган кундан эътиборан 5 кунни ташкил этади.

VI. Тўловлар ва хисоб-китоблар

7. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг олдиндан 30 % микдорида электродвигатель етказиб берилгандан сўнг утказади, колган 70% микдорини 90 кун ичida тулаб беришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи электродвигатель топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк хукукини ўзида саклаб қолади. Электродвигатель Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

VII. Енгигб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

9. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгигб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгигб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равишда узайтирилади.

10. Агар енгигб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вактда чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласидар.

11. Агар томонлар иккى ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

VIII. Электродвигателни қабул қилиб олиш

12. Электродвигателни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартиби мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин амалга оширилади.
13. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб электродвигатеоль Буюртмачининг мулкига айланади.

IX. Кафолатлар

14. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажариши;
- электродвигателдан фойдаланишининг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф қилиниши;

15. Электродвигателнинг кафолатли даври қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 24 ой этиб белгиланади.

16. Агар электродвигателдан фойдаланишининг кафолатли даврида аникланиб, уни бартарф этилгунга кадар фойдаланиши давом эттириши имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

17. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар қўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

X. Шартномани бекор қилиш

18. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин электродвигателни етказиб беришини Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечикирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечикирилган холда,
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

19. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

20. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

21. Шартнома бекор қилинган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

22. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XI. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

23. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айборд томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартиба бошқача жавобгарликка тортнилади.

24. Мазкур шартномага тегишли иловаларда қўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганилиги, ўз вактида молияштиргмаганилиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,01 % (фоиз) микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар кийматининг 10 % (фоиз) дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

25. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортнилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 10 % (фоиз) микдорида жарима тўлайди.

26. Пудратчи обьектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 (фоиз) микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий кийматининг 10 % (фоиз)дан ошмаслиги лозим.

27. Агар бажарилган ишлар сифати белгилантан стандартларга мувофиқ бўлмаса у холда Буюртмачи курилишда Давлат назорати инспекциясининг холосаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг

учун ҳак тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 1 % фоизи микдорида ундириш хукукига эта.

28. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пена билан қопланмаган заарларни коллади.

29. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пена тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

30. Путрадчи шартномада белгилangan муддатда мол-мулкни етказиб бермаганлиги учун етказиб берилмаган мол-мулк кийматининг 15% микдорида жарима тулаш мажбуриятини уз зинмасига олади.

XII Низоларни ҳал этиши тартиби

31. Шартномани бажаришда ва бекор қилинча шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этомаса улар конун хужжатларида белгилangan тартибида иктисадий суд томонидан кўриб чикилади.

XIII. Алоҳида шартлар

32. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

33. Мазкур шартномага барча ўзгarterиши ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолangan бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

34. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

35. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари қўлланилади.

36. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

XIV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари.

БУЮРТМАЧИ:

Коровулбозор «Техник таъминлаш ва Бутлаш»

Манзил: Коровулбозор ш, Чулкувар кучаси

Тел/факс 9730093333, 973001500

x/p: 20210000204001099001

Банк: Уз СКБ Бухоро вилоят филиал

СТИР 202917393

МФО 00440

Рахбар:

Мсамов А.А.

Хукукшунос:

Булим бошлиги:



ПУДРАТЧИ:

«MJH GROUP» МСН

Манзил: Фарғона вилояти, Куба тумани,

Куба ш. Ёмонжар кучаси 71

Тел: 906346261, 902774824

X/p: 20208000301033828001

Банк: АИТБ "ИПОТЕКА БАНК" Фарғона

вилоят филиали МФО 00544

СТИР 306163766

Рахбар:

M JH
GROUP

